Меҳмон

# ДАФТАР ҲОШИЯСИДАГИ БИТИКЛАР

**Ўткир ҲОШИМОВ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси**



## Элчи

Тун — хасталар ва сўққабошлар бардошини синаш учун Тангри томонидан юборилган элчидир.

## Мен англаб етган ҳақиқат

Бир одамни кўрсатиб, "Бу киши ниҳоятда илмли, ниҳоятда донишманд, аммо камбағал", десангиз, "Ақлли бўлса, нега бой бўлмаган?" деб сўрайдилар.

Бошқа бир одамни кўрсатиб, "Бу кишида илм ҳам, ақл ҳам мундайроқ, аммо ўзи бой", десангиз, "Ақли мундайроқ бўлса, қандоқ қилиб бой бўлган?" дейдилар.

Бу гапларнинг қай бирига ишонишни билмай юра-юра, охири бир ҳақиқатни англаб етдим. Ақлли бўлиб, камбағал бўлгандан кўра кўп ҳам доно бўлмасанг-да, бой бўлганинг маъқул экан!

## Таомил

Ўзбекнинг ғалати таомиллари бор. Марҳумни тупроққа топширгандан сўнг қабристонга келган аҳли жамоадан сўрайдилар:

— Фалончи қандай одам эди?

Ўтганларни ёмонотлиқ қилиш — гуноҳ. Мақташ керак, жилла қурса, бирон фазилатини айтиш керак...

Умрида біровга яхшилик қилмаган, аксинча, ҳамманинг дилини оғритган баттол бир одам бандаликни бажо келтирибди.

Одатдаги савол ўртага тушибди:

— Фалончи қандай одам эди?

Ҳеч кимдан садо чиқмабди. Сўроқ тағин такрорланибди.

— Биродарлар, фалончи қандай одам эди?

Яна узоқ сукут чўкибди. Ниҳоят, шу маҳаллада яшайдиган тиш дўхтири ўртага чиқибди.

Ўзбекнинг ғалати таомиллари бор. Ўзбекнинг ғалати донишмандлиги бор...

## Салла ва пайтава

Қадимда бир одам бўлган экан. Ўзи дуруст, рисоладагидек экан-у, кунлардан бирида шайтон йўлдан уриб, ўғриликни касб қилибди. Бир хонадонга кириб, олтин тақинчоқларни ўмараётганда уй соҳиби уйғониб қолибди. Ўғри шошиб қолганидан олган нарсаларини салла ичига яширган экан, дарров топиб олишибди. Уни ўласи қилиб дўппослабдилар... Номи "фалончи ўғри" бўпти...

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас. Ўғри тағин ўғриликка тушибди. Бу сафар "тажрибаси ошиб", ўмарган нарсаларини пайтава орасига ўраб, устидан этик кийиб олибди. Уни ҳеч ким жазоламабди... Кундан-кун давлати зиёда бўлиб, номи "фалончи бой"га айланибди...

... Ўшандан бери ўғри салласини оёққа ўраб, пайтавасини бошига кўтариб юрармиш...

## Ким кучли?

**— Аёл кучлими, эркакми?**

— Аёл кучли! Хотин кишининг макри қирқ эшакка юк бўлади.

**— Эркак кучлими, аёлми?**

— Эркак кучли! Қирқ эшакнинг юкини елкасига ортиб, чопқиллаб кетаверади!

## Аҳмоққа қонун йўқ

Ҳар қандай доноликнинг чегараси бўлади. Бироқ нодонлик чегара билмайди... Дунёда донолардан кўра нодонларнинг кўплиги шундан бўлса керак...

## "Дастёр" ит

Болалигимда Қонқус анҳорида чўмилишни яхши кўрардим. Муздек сувдан чиқиб, қирғоқда исиниб ётганимизда, "Айиқ амаки" келиб қоларди. Ўзи айиққа ўхшаб ҳаммаёғини сариқ тук босиб кетгани майли-ку, кичикроқ бузоқдек "апчарка" итини етаклаб келиши ёмон эди. "Айиқ амаки" қўлидаги таёқни анҳорга улоқтириб, "обчиқ" деса, "апчарка" ўзини сувга отар, таёқни олиб чиқиб, эгасининг оёғи остига ташларди. Кейин қумлоқ соҳилда ётган одамларнинг тепасига келиб, аввал гавдасини, сўнг бошини обдон силкитиб, сув сачратар, бу ҳам етмагандек, "қистаб қолса"...

... Қўриқчи ит хавфли, қопиши мумкин.

... "Дастёр" ит ундан ҳам хавфли: ҳаммаёқни ҳаром қилади...

## Туғилмасдан то...

Уйингизга меҳмон келган — зиёфат қиляпсиз. Ҳовлингизнинг бир четида кабоб пишяпти...

Аёлингиз секин келиб, қулоғингизга шипшийди. "Дадаси, кабоб тарқатишдан олдин икки сихини ажратиб қўйинг, қўшнининг келини бошқоронғи", дейди.

Бунинг отини нима дейиш керак? Бунинг оти инсон боласи ҳали туғилмасидан олдиноқ меҳрга муҳтож бўлади, бир-бирингиздан меҳр аяманг, дегани бўлади...

Икки киши ғижиллашиб қолди. Униси ҳам ўзича ҳақ, буниси ҳам. Индамай турсангиз, жанжал катталашиб кетадиган. Шунда эсли бир одам айтади. "Ҳай-ҳай-ҳай, тобуткашсизлар-а, бир гапдан қолинг", дейди. Ёниб турган олов дарров ўчади.

Бунинг отини нима дейиш керак? Бунинг оти инсон ҳаётидан кўз юмганидан кейин ҳам меҳрга муҳтож бўлади, бир-бирингиздан меҳрни аяманг, дегани бўлади.

Бунинг оти ўзбек маҳалласи дейилади!

Ҳар ким ўз аравасини тортса...

Ҳар ким ўз ҳунарини қиладиган жойда иш рисоладагидек кетади. Сартарошни сувоқчи қилиб қўйсангиз, деворга совун кўпиги суртади. Этикдўзни сартарош қилсангиз, одамнинг бошига мих қоқади...

## Шайтоннинг феъли

Дурадгорлар ишлатадиган "шайтон" деган асбоб бор. Қайси томон баланд бўлса, ўша тарафга ўтиб олади. Бунақалар одамлар орасида ҳам учраб туради. Қизиғи шундаки, биров ундан "кеча уёқда эдинг, бугун буёққа ўтиб олдинг", деб сўрамайди.

"Шайтон"нинг шайтонлиги ҳам шунда бўлса керак-да...

## ... Оти "қўрқоқ"

Андишасиз азбаройи беандиша бўлгани учун дасти узун, тили бурро бўлса-да, андишали бўлгани учун қўли қисқа, тили қисиқ бўлса... алам қиларкан...

## Таъзим

Таъзим бажо айлаш – одамзотнинг кўҳна удуми.

Намозда саждага бош қўйиш – фарз.

Ота-онага таъзим қилиш - қарз.

Ўтганлар руҳи олдида бош эгиш – суннат.

Ёши улуғлар ва устозларга таъзим қилиш – садоқат.

Аёл олдида бош эгиш – одоб.

Ҳақиқат олдида бўйин эгиш – мардлик.

Анжуманларда бош эгиб саломлашиш – расмият.

Ўз юмушини битириб олиш илинжида таъзим қилиш – мунофиқлик...

... Йиқилган бир ночор бандасини турғазиб қўйиш учун ерга таъзим қилиш ҳам фарз, ҳам қарз, ҳам суннат, ҳам одоб, ҳам мардликдир!

## Ҳақиқат синмайди... ми?

Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида "қайта қуриш", "ошкоралик" деган шиорлар удум бўлди. Биров ундоқ дейди, биров бундоқ. Биров адолат ҳақида гапирди, биров минбарга чиқиб, бақироқ маймундек шовқин солди...

Шундай кунлардан бирида ашаддий жинояти учун ўн беш йилга қамалган Турсунбой деган маҳбусдан хат келди. Лўнда қилиб айтганда, хатнинг мазмуни шу эди. Турсунбой қўшнисининг вояга етмаган қизини зўрлагани учун "строгий режимли" қамоққа ҳукм этилган. Чўкаётган одам хасга ёпишади. Аввал қилғиликни қилиб қўяди-да, чуви чиққанидан кейин "қўй оғзидан чўп олмаган фаришта"га айланади.

Шунақа-ку, хат шу қадар чуқур мантиқ билан ёзилган эдики, "ошкоралик" неъматидан фойдаланиб, ўша маҳбус билан учрашдим.

Турма бошлиғи "артист"ни келтиришни буюрди. Турсунбой хатида йигирма ёшга чиққанини ёзган эди. Рўпарамда эса камида қирқни қоралаб қолган, чакка сочларига оқ оралаган, кўзларида бирон маъно йўқ, лаблари пўрсилдоқ кимса ўтирарди.

Гапни нимадан бошлашни билмасдим. Охир-оқибат энг ўринсиз саволни бердим:

**— Сизни нега "артист" дейишади?**

Унинг ҳеч нимани ифодаламайдиган юзида бир сония, атиги бир сония истеҳзоли табассум пайдо бўлди.

— Терговда ҳам, судда ҳам ялиниб-ёлвордим, бақирдим, "Тепамда Худо турибди, гуноҳим йўқ", деб дод солдим. Улар "артистлик қилма", дейишди...

Шундай деди-да, тағин ифодасиз ҳайкалга айланди...

Унинг айтишича, воқеа бундай бўлган. Ён қўшнисининг ақли ноқисроқ ўн олти яшар қизини бир номард зўрлаб қўяди. Эртасига Турсунбойнинг собиқ синфдоши, институтда ўқиётган, ёзги таътилга келган Фарҳод боғдаги чойхонада улфатлар билан ош еб ўтириб, кеча канал бўйида биттаси билан "маза қилгани"ни айтиб мақтанади. Бу гапни даврадаги бошқа йигитлар ҳам эшитади. Уч кундан кейин милиция Турсунбойни ҳибсга олади. Юзлаштириш пайтида телбанамо қизалоқ "Мени қоронғида канал бўйига олиб борган шу эди шекилли", дейди. Вояга етмаган, бунинг устига руҳий касал қизни зўрлагани учун ўн беш йил берадилар. Судда гувоҳ сифатида чақирилган Фарҳод ўша оқшом Турсунбой қизалоқни канал томонга етаклаб кетаётганини кўрганини айтади...

Фарҳоднинг отаси туманнинг "каттаси" – "райком бува" экан. Тоғаси прокуратурада ишларкан. Турсунбойнинг отаси эса оддий тракторчи бўлган...

Тракторчининг адолат излаб, елиб-югуришлари шу билан тугайдики, кеч кузнинг туманли кечасида трактор йўлдан чиқиб, зовурга тушиб кетади. Тракторчининг оёғи синади. Икки прицепдаги пахта лойга қоришиб, сифати бузилади. "Социалистик мулк"ни қасддан лойга ботиргани учун уни уч йилга ҳукм қиладилар. Шунда "райком бува" ўртага тушиб, "оталик" қилади: қамоқни шартли жазо билан алмаштиришга эришади...

Турсунбой бу гапларни шу қадар осойишта, шу қадар вазминлик билан ҳикоя қилардики, гўё шундай бўлиши табиийдек, бошқача бўлиши мумкин эмасдек эди. Номаълум нуқтага қадалган кўзларида на алам, на ўкинч, на умид бор эди! Гўё ўз қисматига алоқадор фожиалар ҳақида эмас, аллақандай арзимас, аҳамиятсиз нарсалар тўғрисида гапираётгандек...

— Агар ҳозир терговчи келиб, "Ўнта қизни зўрлагансан, бешта одамни ўлдиргансан", деса, қоғозига индамай қўл қўйиб бераман! — деди собит ишонч билан.

— Наҳотки сизга ҳаммаси барибир бўлса, наҳот бирор ниятингиз бўлмаса? — деган эдим, узоқ ўйланиб қолди. Сўнг жавоб қилди:

— Ниятим бор. Худодан тилагим шуки, Фарҳод менинг "айбимни бўйнимга қўйган" терговчининг қизини зўрласин. Терговчи райком буванинг неварасини бузиб қўйсин. Аммо улар қамалмасин, аввалгидек апоқ-чапоқ бўлиб юраверсин! Бошқа гапим йўқ!

Турсунбой масаласида отаси билан гаплашдим. Изиллаб йиғлайди! "Олти қиз ичида биттагина ўғлим эди, Худодан тилаб-тилаб олганим учун Турсун деб от қўйгандим, менинг болам унақа номард эмасди", дейди... Олий судга мурожаат қилдим. "Строгий режим"га кесилганлар масаласини фақат Москва ҳал қиларкан... Московга хат ёзишдан маъно йўқ эди. Бу пайтда марказнинг бунақанги "майда-чуйда" ишлар билан ўралашишга вақти йўқ, улар "тарихда қоладиган" "ўзбек иши" бўйича минглаб одамларнинг "айбини бўйнига қўйиш"дек муҳим юмуш билан овара эдилар...

... Орадан икки йилча ўтгач, Турсунбойнинг отасидан хат келди. Ўғли қамоқда ўзини осиб қўйибди. "Боламни ўзимнинг хилхонамизга қўяйлик", деб ялиниб борса, майитни беришмабди. Тартиб шунақа экан...

Орадан икки йил ўтиб-ўтмай, Истиқлол рўй берди. "Ўзбек иши" бўйича "жонажон Совет Ватан"ининг бепоён саҳролари-ю, гадой топмас ўрмонларига бадарға қилинган бегуноҳларнинг ҳаммаси шахсан Президентнинг қатъий талаби билан ўз юртига қайтарилди...

## "Гиргиттон буви"нинг япон невараси

Ҳали мактабга қатнамасдим. Куз палласи томоғимга "тепки" келиб, бўйним шишиб кетди. Ойим "иримини қилиш" учун "Гиргиттон буви"никига олиб чиқди.

Дунёда "гиргиттон буви"дан мулойим, ундан меҳрибон одам бўлмаса керак. Ҳамма билан "бувинг гиргиттон" деб айланиб-ўргилиб кўришади... Бувининг ҳовлисига кирсак, этакдаги девор тагида аллақанча ёнғоқ думалаб ётибди. Кечаси шамолда тўкилган бўлса керак. Югуриб бориб, тера бошладим. Бир маҳал айвон томондан "Гиргиттон буви"нинг овози келди:

— Ҳай-ҳай, гиргиттон, тегма, тегма, ёнғоққа! — шундай деб илдам келди-да, қўлимдаги ёнғоқларни олиб, пастак девор оша нарёққа улоқтира бошлади. Сўнг хазон орасида ётган бошқа ёнғоқларни ҳам энкайиб терганча, девор ортига ташлади. Бувининг бундай "қизғанчиқ"лигига ҳайрон бўлиб қолдим. Ниҳоят тўкилган ёнғоқлар қолмаганига ишонч ҳосил қилгач, қўлимдан етаклади. "Юрақол, гиргиттон, санга бошқа ёнғоқ бераман!" Шундай деб, пастак бостирмага олиб кирди-да, саватда уюлиб ётган ёнғоқлардан ҳовучлаб олиб дўппимни тўлдириб берди...

Ўша куни ойимдан анча дакки едим. Кап-катта бола одобсизлик қипман. Ерда ётган ёнғоқ "гиргиттон буви"ники эмас, қўшнисиники экан. Қўшни ҳақини ўзидан сўрамай олса, ёмон бўларкан...

Бу гапларни унутиб юборган эдимку, орадан кўп йиллар ўтгач, тағин ёдимга тушди.

Япониядан бир гуруҳ мартабали меҳмонлар ташриф буюришди. Улар орасида Япония Парламенти раҳбарларидан бири ҳам бор эди. Шу кишига ҳамроҳ бўлиб, Самарқандга бордик. Меҳмон икковимиз ва таржимон бир машинада кетаяпмиз. Самарқанд туманидан бораётиб, яшнаб ётган бир боғдан ўтдик. Йўл четида кета кетгунча шафтолизор. Зарғалдоқ шафтолилар ғарқ пишган. Ҳар бири кичикроқ чойнакдек келади. Меҳмон ниманидир завқланиб гапирди. Таржимон, меҳмон жаноблари бу боғ кимники эканини сўраётганларини айтди. Корея, Хитой сингари мамлакатларда шафтолига айрича ихлос қўйишларини эслаб, ҳайдовчидан машинани тўхтатишни сўрадим. Йўл четидаги арикчадан ҳатлаб ўтиб, қўлимга сиққанича шафтоли узиб олдим. Буни қарангки, нарироқда темир қувурда сув оқиб турган экан. Шафтолиларни чайиб, олиб келдим. Меҳмонга узатдим. Меҳмон одоб билан жилмайди, аммо қатъиян бош чайқади... Ўз тилида ҳаяжонланиб, бир нима деди.

— "Мумкинмас", деяптилар, — деди тилмоч таржима қилиб.

— Ташвишланманг, жаноб, — дедим тушунтириб. — Бояги сув ифлос эмас, водопровод кранининг суви. Бу туман тўлиқ водопроводлаштирилган. Бемалол еяверинг, мана, ўзим бошлаб бера қолай.

Меҳмон тағин бош чайқади. Таржимонга бир ниманарни куйманиб тушунтирди.

— Мумкин эмас! — деди таржимон меҳмоннинг гапини сўзма-сўз ағдариб. — Жаноб шафтолининг эгасига ҳақ тўламадилар. Шунча мевани сўроқсиз олиб чиқдилар. Мумкинмас.

Биз ўтиб бораётган жой менга бегона эмаслигини, бу ерга кўп келганимни, туманнинг ҳокими ўзимнинг синглимдек бўлиб қолганини айтдим.

Барибир гапларим ишончсиз чиқаётганга ўхшаётганини ўзим ҳам сезиб турардим...

... Кўз ўнгимда икки букланганча ёнғоқ териб, пастак девордан қўшникига улоқтираётган "Гиргиттон буви" пайдо бўлиб қолгандек эди...

... Шунда дунёдаги бани инсоннинг ҳаммасини Худо яратганига, улар феълатвори, инсоф-виждони бир-бирига жуда ўхшашлари оз эмаслигига яна бир карра имон келтирдим...

## Ака-укалар

Ака-укалар ноаҳил чиқди.

Бир оилага сиғмадилар. Рўзғор бўлинди.

Бир маҳаллага сиғмадилар. Униси у ёққа кўчиб кетди. Буниси – бу ёққа.

Бир туманга сиғмадилар.

Бир шаҳарга сиғмадилар.

Бир дунёга сиғмадилар! Иккови ҳам бевақт кўз юмди...

Ажаб! Бир онанинг қорнига қандай сиғди экан ака-укалар?...

## Қасамхўр

Қасамхўр бир қўлида асал, бир қўлида заҳар олиб юради. Қасамига қўшиб асални ўзи ичади, заҳарни сизга беради.

## Ибтидо ва интиҳо

Бу эшикдан кириб келганида ҳеч ваҷоси йўқ эди. Бир парча матога ўраб, бешикка солдилар.

Ўсди. Улғайди. Елди-югурди. Антиқа жиҳозлар олди. Уйлар солди. Бир қаватли. Икки қаватли. Уч қаватли... Машиналар олди. "Волга", "Нексия", "BMW", "Мерседес". Дача қурди. Саунаси билан, бассейни билан, массажхонаси билан. Біровга яхши кўринди. Бировга ёмон кўринди...

... У эшикка кириб келаётганида ҳеч ваҷоси йўқ эди. Бир парча матога ўраб, "бешикка солдилар-да, сўнгги манзилга элтиб қўйдилар".

## Инсоф ва иймон

Одам ўз манфаатига мос келиш-келмаслигидан қатъий назар эзгу амалларни бажарса ва қилиш мумкин бўлмаган ишлардан тийилса, инсофли бўлади. Бунинг учун у мукофот олмаслиги мумкин. Аммо иймони тўкис бўлади. Шу боисдан бундай инсонни иймонли дейдилар.

Одам эзгу амаллардан манфаат учун улардан воз кечса ва қилиш мумкин бўлмаган ишларни қилса, ноинсоф бўлади. Бунинг учун у жазоланмаслиги мумкин. Аммо иймонга шикаст етади. Шу боисдан бундайларни иймонсиз дейдилар. Иймонсизлик эса барча разолатлар учун дарвозани ланг очиб қўйиш билан тенг!

Инсоф – Иймон дарвозасининг посбонидир!

## Андиша

Ота-боболаримиз шундай деб танбеҳ берадилар: "Ўчоқбошини ҳеч қачон қўшнининг деворига ёпиштириб солма. Таом пишираётганда ўчоғингдан чиққан тутун қўшниннинг кўзини ачитса, еган овқатинг ҳаром бўлади!"

... Ўзбекнинг андишасини исботлаш учун яна қандай мисол керак?!

## "Ўртада бегона йўқ"

**("Табассумга мойил гаплар"дан)**

Нури сатанг қўшни кампирга гинахонлик қилди:

— Кеча салом берсам, алик олмадингиз-а, опоқи!

Кампирнинг энсаси қотди.

— Ўзингиз бегона эркак билан гаплашиб турган экансиз-ку!

Нури сатанг астойдил ажабланди:

— Вой, гапингизни қаранг, эркакнинг ҳам бегонаси бўларканми?

## Саккизинчи мўъжиза

**(Ижод ва ижодкорлар ҳақида)**

Адабий тил ҳарчанд бой бўлмасин, бадиий тилга тенг келолмайди.

Негаки, шева, лаҳжа, жаргонга оид сўзлар, касб-ҳунар атамалари, сўкиниш ва қарғишлар унга кирмайди. Адабий тил артиб-тозалаб қўйилган чиройли идишга ўхшайди.

Бадиий тил эса фақат сўз маъносини эмас, унинг оҳанги, ранги, "таъми", "иси"ни ҳам ташишга қодир.

Зиёли оилада ўсган ўн саккиз яшар қизалоқ билан бозорда сомса сотадиган хотиннинг сўз оҳанги, мадрасада ўқийдиган муллавачча билан ўн йил қамоқда ўтирган одамнинг гапириши тубдан фарқ қилади. Бироқ уларнинг ҳаммаси яшашга ҳақли. Бадиий тил эса уларни асарга олиб киришга ҳақли...

Шу жиҳатдан бадиий тил адабий тилга нисбатан бир неча марта бойроқ ва жонлироқдир...

Voice of America

Америка овози

www. voanews. com/uzbek

- Дунё хабарлари
- Америка ҳаётидан лавҳалар
- Қўшма Штатлар сиёсати, иқтисоди, маданияти ва маърифатининг турли қирраларини акс эттирган маълумотлар
- Америка ва дунё жамоатчилигини боғловчи қадриятлар
- АҚШ ва Марказий Осиё муносабатлари
- Вашингтон-Тошкент алоқалари
- Демократия ва инсон ҳуқуқлари борасидаги жараёнлар
- Терроризмга қарши кураш босқичлари
- Дунёдаги долзарб воқеаларга Вашингтондан назар

Буларнинг ҳаммаси "Америка овози" радиосининг ўзбек тилида ҳавога узатиладиган дастурларида

Эшиттиришларимиз ҳар куни алоҳида-алоҳида дастурлар ҳолида

Тошкент вақти билан 17.30-18.00 ва 20.00-20.30 оралиғида эфирга узатилади.

«Америка овози»

радиосини қисқа тўлқин — УКВ 17.30-18.00 да 15470, 17555, 17730 kHzда 19 ва 16 метрларда; 20.00-20.30 да 7295, 9745, 15255 kHzда 41, 31 ва 19, шунингдек, Душанбе атрофида ўрта тўлқин 1143 килогерцда ва Ўш минтақасида FM 103,2 метрларда тинглаш мумкин.

«Америка овози» радиосининг ўзбек хизмати ўз фаолиятини телевидение кўрсатувларини ҳозирлаш йўналишида қайта кўраётгани учун Тошкент вақти билан соат 17:30 да бериладиган ярим соатлик эшиттиришини шу йилнинг 23 ноябрь, якшанба кунидан эътиборан тўхтатди.

Тошкент вақти билан 20:00 да бошланадиган дастуримиз эса ҳеч қандай ўзгаришларсиз давом этади. Ўзбек тилидаги телекўрсатувлар билан боғлиқ ҳолатимиз ҳақида Интернетдаги саҳифамиз орқали танишиб боришингиз мумкин.

VOA

МУРОЖААТ УЧУН
VOA UZBEK SERVICE
Independence Avenue SW,
Room # 2141, Washington,
DC 20237, USA
Tel: (202)6197566,
(202)6190368, fax:
(202)2603498,
(202)6190368
uzbek@voanews.com

Газетанинг навбатдаги сони 24 декабрь, чоршанба куни чиқади.

Таажжуб

## СЎЗ ҚАДРИ СИНМАСИН...

Улуғ донишманд Кайковуснинг «Қобуснома» асарида шундай ҳикматли сўзлар бор: «Эй фарзанд, шоир бўлишни истасанг, ҳаракат қилки, сўзинг осон ва фойдали бўлсин, англашилмайдиган, қийин сўзларни ишлатмагил, чунки шеърни халқ учун ёзиш керак ва ўзи учун ёзилмайди...

Агар ҳофиз бўлсанг вазндан ғофил бўлмагил, вазнсиз тарона ҳамда ғазал ёзмагил. Куйлаган вақтингда ашуланг бошқа жойдан, созинг бошқа жойдан бўлмасин. Агар бирор кишига ошиқ бўлсанг, бутун кунни ўз ҳолингга хуш келадиган ғазални айтиш билан ўтказмагил, бундай ғазал ўзингга ёқса ҳам, ўзгаларга ёқмайди. Ҳар бир ашулани бошқа бир маъно билан айтгил...» Дарҳақиқат, қўшиқ кўнгил озуқаси бўлиб, у халқ учун яратилади ва халқнинг талаби даражасида бўлиши керак. Аммо бугунги замонавий ўзбек эстрада қўшиқчилигида шунақанги нуқсонлар пайдо бўляптики, булар тингловчининг асабини ўйнатишдан бошқа нарсага ярамайди. Шундай бўлса-да, улар радио орқали, айниқса, «FM» тўлқинларида қайта-қайта такрорланаверади.

*Яна, тонггача, яна тонггача,*
*Мени кўзларим тўймас жоним сенга.*
*Мани мушукчам, мани балиқчам,*
*Гўзалликда тенги йўқ нозик қушчам.*

Бу «Болалар» гуруҳининг хонандаси Тоҳир Содиқовнинг қўшиғи.

Тавба, бу вақтгача ўзбек адабиётида ёинки ўзбек қўшиқчилик санъатида ҳеч бир шоир ёхуд санъаткор ўз суюклисини мушукча-ю, балиқча-қушчага қиёсламаган эди. Бир бемаза шоир бунинг уддасидан чиқса, бир шоввоз уни қўшиққа айлантирса — шу тутуриқсиз ашулани эрта-ю кеч радио орқали намойиш қилиш шартми?! Умуман, «FM» тўлқинларида шунақа «замонавий» қўшиқлар бўладики, уларнинг айримларидаги ғализ жумлаларга тушунолмай қоласиз. Масалан бир «юраги куйган қиз» шундай хониш қилади:

*Уммир ғанимат, уммир ғанимат,*
*Унга мазмун беришга*
*улгуриш керак.*
*Сен бир ўйлаб,*
*хаёлларингни тўплагин,*
*Бўлмаса бу омонат,*
*Ишончимиз қулаб кетади.*
*Сен бир ўйлаб,*
*Хаёлларингни тўплагин,*
*Бўлмаса ҳаёт бизга,*
*Берганларин олиб қўяди.*

Қўшиқдаги жумлаларда вазн, қофия каби талаблар у ёқда турсин, **МАНТИК**дан ҳам дарак йўқ!

Яхши умр ғанимат экан. Лекин ким «?» қанақа усул билан «?» бир ўйлаб ўз хаёлларини тўплайди? Хаёлни тўплаб бўлмайди, фикрни тўплаш мумкин.

«Бу омонат ишончимиз қулаб кетади» ёки «Ҳаёт бизга берганларини олиб қўяди» каби тайинсиз ташбеҳларни қандай изоҳласа бўлади? Юқоридагига ўхшаб айрим қўшиқлардан бемаза иборалар келиб чиқса, баъзи қўшиқларни оила ёки ёру дўстлар даврасида эшитиб ҳам бўлмайди. Таниқли хонанда Абдулазиз Каримовнинг қўшиғи бундай бошланади:

*Ёқут лабингни эркам,*
*Шайдоси қўндир бирам.*

«Ёқут лабнинг шайдоси» кимлар бўлади? Бир ками шу ҳақида куйлаш қолувди. Бундан ташқари, айрим ёш «санъаткор»лар тўтиқушга ўхшаб бир жумлани қайта-қайта такрорлашдан нарига ўтолмай қолганга ўхшайди. «FM» тўлқинлари орқали кунига беш-олти марталаб берилаётган Самандар Ҳамроқуловнинг қўшиғидаги жумлаларга бир эътибор беринг-а:

*Менинг асалим, асал,*
*Менинг ҳаётим асал.*
*Юрагимни тўридан,*
*Жой олдинг ўзинг асал.*

Ушбу сўзлар қўшиқ давомида тўққиз марта такрорланса, қўшиқдаги асал сўзи эса йигирма етти марта қайтариладики, оқибатда ҳар қанча асал қўшилгани билан қўшиқ шунча бемаза ва бетайин аҳволга келади.

Сўзни ишлатиш санъатидан бехабар қолиш, унинг қадрини билмаслик санъаткорни кулгили аҳволга солиб қўяди. Санъат остонасига эндигина қадам қўйиб, машҳурлик шоҳсупаси сари интилаётган хонандаларга айтадиган биргина гапимиз:

— Сўзнинг қадрини билинг! Унинг қадрини билмаслик ўз қадрини билмасликдир. Навоий бобомиз айтганидек:

*Эл нетиб топқай мениким,*
*Мен ўзумни топмамон.*

**Шердил РАҲИМОВ**

Mustaqil gazeta HURRIYAT
Ўзингни англаб ет!

| | |
|---|---|
| Муассис: | Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси |
| Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: | Исмат ХУДОЁРОВ |
| Таҳрир ҳайъати: | Турсунали АКБАРОВ, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Наим КАРИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР |

«Hurriyat» kompyuter markazida Elyor UBAYDULLAYEV tomonidan sahifalandi.

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

**Таҳририят манзили:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел-факс: 41-49-91. Тел: 41-52-72, 144-25-06.
E-mail: hurriyat@rambler.ru

Индекс:
Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: **Муҳиддин АБДУРАСУЛОВ**

Ⓡ — тижорат белгиси.

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 0063

Т: 2492

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.